


ISSN 2181-8584

IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

№01(3). 2016



Муассис:

Тошкент ирригация ва
мелиорация институти (ТИМИ)

Манзилимиз: 100000,
Тошкент ш.,
Қори-Ниёзий, 39. ТИМИ

Бош мұхаррір:
Султонов Тохиржон
Закирович

Илмий мұхаррір:
Салоҳиддинов
Абдулхаким
Темирхўжаевич

Таҳрир ҳайъати:
проф. М.Хамидов;
қ.х.ғ.н. Ш.Ҳамраев;
т.ғ.н. Х.Ишанов;
проф. Ў.Умурзаков;
проф. М. Бакиев;
проф. О.Рамазонов;
проф. Ш.Рахимов;
проф. О.Арифжанов;
проф. О.Гловацкий;
проф. Р.Икрамов;
проф. Ф.Бараев;
проф. Б.Серикбаев;
проф. А.Чертовицкий;
проф. А.Султонов;
проф. З.Исмаилова.

E-mail: i_m_jurnal@tiim.uz
internet: www.tiim.uz

«Irrigatsiya va Melioratsiya»
журнали илмий-амалий,
аграр-иктисодий соҳага
иҳтиослашган. Журнал
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигига
2015 йил 4 марта
0845-рақам билан
рўйхатга олинган

25.03.2016 босишига рухсат берилди.
Офсет усулида чол этилди.
Қозоз бичими 60x84 1/8.
Адади: 200 нусха.

«New Color» МЧЖда чол этилди.
Буюртма № 172.
Босмахона манзили: Тошкент ш.,
Яшнаобод тумани, Тўй-Тела кўчаси, 5-уй.

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ

Ш.Р.Ҳамраев, Ю.Г.Безбородов, А.С.Шамсиев. Фактические и расчетные показатели водопотребления хлопчатника в условиях дефицита оросительной воды.....	5
Т.З.Султонов, И.А.Бегматов. Ўзбекистонда сугориш тизимларининг ривожланиш тарихи.....	8
А.М.Hamidov, K.Hagedorn, A.T.Salokhiddinov. Organizational basis for sustainable water resources management in water consumers associations.....	12
Х.Ҳ.Ишанов. Сугориш тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш ва сувдан оқилона фойдаланиш бўйича айrim долзарб масалалар тўғрисида.....	16
Ш.Ҳ.Рахимов, И.Бегимов, Ҳ.Ш.Гаффоров. Математические модели и критерии качества распределения воды в каналах ирригационных систем в условиях дискретности водоподачи.....	20
М.Ҳ.Хамидов, У.А.Жўраев. Коллектор-дренаж сувлари минерализациясини биологик усулда пасайтириш – сув танқислигини бартараф этишнинг самарали усули.....	25
А.Г.Шеров, Ф.А.Бараев. Водомерный прибор с ультразвуковым датчиком на базе водослива чиполетти.....	27

ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ ВА НАСОС СТАНЦИЯЛАР

Т.Ш.Мажидов, Э.К.Кан, А.А.Эргашев. Результаты натурных исследований насосного агрегата с частотным преобразователем.....	31
Н.М.Икрамов. Факторы, влияющие на эксплуатационно - энергетический режим работы насосных станций.....	34
А.Д.Рахматов. Электр тармоқларида электр энергия исрофларини аниқлаш.....	37

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

А.С.Бердышев. Использование альтернативных источников энергии для обеззараживания воды для с помощью ультрафиолетовых установок.....	41
Т.С.Худойбердиев, Р.Мурадов, А.Вохобов. Сепилган дон уругининг тепасига ёйилган тупрок қатламиning бир текисда бўлишини таъминлаш.....	45
Р.Р.Эргашев. Оқизикларни тозалаш қурилмасини такомиллаштириш.....	48

ЎЗБЕКИСТОНДА СУГОРИШ ТИЗИМЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Султонов Т.З. - т.ф.д., доцент,

Бегматов И.А. - т.ф.н., доцент.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Аннотация

Ушбу мақопа неолит давридан то ҳозирга қадар бўлган вақт оралиғидаги Ўзбекистон ҳудудида ирригация тизимини ривожланиш тарихига оид манбалар, маълум бир тарихий даврлардаги иқлим шароитларига хос ирригация ишшоотлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Abstract

This article is a brief history of the development of irrigation in Uzbekistan , covering the period from the Neolithic to the present day. We describe the types of irrigation facilities, typical for a certain historical period , and for the climatic conditions of different regions of the country.

Аннотация

Данная статья является кратким экскурсом в историю развития ирригации на территории Узбекистана, охватывающим период от неолита до современности. Описаны виды ирригационных сооружений, характерных как для определенного исторического периода, так и для климатических условий различных регионов страны.

Xаёт тараққиётининг асосий манбаларидан бири бўлган ююри ҳарорат ва заррин қўёш нурлари - бебаҳо бойлик, аммо бунда дехқончилик кўп сув талаб этади. "Қаерда сув тугаса, у жойда ер ҳам тугайди" - дейди доно халқимиз. Ўзбек халқи асрлар давомида ҳаёт нишонаси бўлмаган, қараган чўлларда боғу бўстонлар яратиш мақсадида сугориш каналлари қуриш борасида машақатли меҳнат қилиб келган.

Кўхна Миср, Хитой ва бошқа Шарқ давлатлари сингари Ўзбекистоннинг юксак дехқончилик маданияти ҳам сунъий сугориш асосида жуда қадимда пайдо бўлган ва ривожланган. Суғдиёна, Бақтрия, Хоразм, Фарғона ва Шош каби тарихий ёдгорликлардан қадимий сугориладиган ерларда дехқончилик қилиш маданияти ўрганиб чиқилганда шу нарса маълум бўлдики Ўзбекистонда сугориладиган ерларда дехқончилик қилиш асосан икки қулай шароитларга эга бўлган минтақаларда, тог этакларида жойлашган водийларда ва текисликларда оқадиган катта дарё ўзанлари қирғоқларида пайдо бўлган ва ривожланган. Ўрта Осиёда сугоришнинг ривожланиш тарихида учта асосий босқич аниқланган.

Биринчи босқич бу сезиларли даражада катта вақтни эгаллаган давр (неополит давридан то кечки бронза ва дастлабки темир давригача). Бу давр ирригация соҳаси билимларининг туғилиш ва очик усуlda сугориладиган дехқончилик, кенгликларга чиқиб сингиб кетиб қуриб қоладиган кичик дарёлар қўйилишларини, вақтинчалик очиб турадиган, ҳамда дарё ўзанларининг пастликлардаги ўрниларини ташкил этадиган қисмларини фойдаланиши ўрганиш давларини эгаллади. Аста секинлик билан дехқонлар сув босиши натижасида текисланиб қолган ерлардан ташқари сув кўллаб турган майдонлардаги ортиқча сувларни бошқа, пастликларда жойлашган ҳудудларга очиб юбориш орқали, янги фойдаланишга яроқли ер ҳудудларига ўтила бошлангарлар.

Эрамиздан аввалги IV минг йилликда жанубий тофолди ҳудудларда очиқ кўллатиб сугориш усулларидан сугориш тизимлари орқали очиқ усулда эгатлаб сугориш тизимларига ўтила бошланди, бу минтақалар аста

секинлик билан IV асрнинг иккинчи ярмидан то III минг йиллик бошигача ва токи бизнинг эрамизгача кенгайиб, Марказий Осиёнинг жанубий қисмига текислик дарёларининг қирғоқ минтақаларини эгаллаб борди (1-5 расмлар).

Ўзбекистоннинг ўзлаштирилган тоголди ҳудудларидаги ўтрок аҳоли яшаш жойларининг археологик қидиравлар натижалари шуни кўрсатдиги, Сурхондарё воҳа-сининг (Сополлитепа, Кучуктепа), Фарғона водийсининг шарқий қисми (Чуст, Далварзинтепа ва бошқалар), ҳамда Амударё делтаси ҳудудининг (Кўкча1-3, Бозор 1-8, 8-10 ва бошқалар), Зарафшоннинг (Замонбобо) минтақаларида эрамиздан авалги II асрларда сугориладиган дехқончиликнинг туғилиши учун замин яратилган, яъни кўллатиб сугориладиган – қолоқ усууллардан мунтазам сугориш тармоқларига ўтиш бошланган.

Эрамиздан авалги I - минг йилликнинг ўрталарида Марказий Осиёда бош ўзанлардаги сув тақсимлагич қурилмаларнинг ва магистрал тизимларнинг ихтиро этилиши, ҳамда Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари (Амударё, Сирдарё, Зарафшон) қирғоқларида жойлашган бепоён текисликлардаги ер майдонларининг дехқончилик эҳтиёjlари учун кенг ўзлаштирилиши билан характерланадиган ирригация ривожланишининг кейинги иккинчи босқичи бошланган. Кейинги йиллардаги археологик изланишлар натижасида шу нарса аниқланганки бу даврда Марказий Осиёда халқларининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган катта давлат пайдо бўлган.

Марказий Осиёда Амударё ва Сирдарё дарёлар оралиғидаги қадимдан сугориладиган ерларда ирригация қурилмаларининг антик даврдаги излари яхши сақланиб қолган. Хоразмда, Зарафшон водийсида, Бақтрия ва бошқа ҳудудларда каналлар тизими қурилган ва ишлаб турган.

Эрамиздан олдинги IV-V асрларда Самарқанддаги Суғдда сугориш магистрал каналлари тизими курила бошланганки, упарнинг сугориш тизими жуда катта миқдордаги ерларни сугориш имконини берган. Бу сугориш

каналлари тизими янги ерларни ўзлаштириш ва минтақанинг гуллаб яшнаши учун асос бўлиб ҳизмат қилган.

Қадимги марказий суғориш тармоқларидан Бозор Қалъа (Хоразмнинг ўнгқирғоқ тарафи) яқинида жойлашганлари кўпроқ қизиқарли. Кўрсаткичлари бўйича йирик суғориш канали (кенглиги 40 метрдан каттароқ) ён тараф ирмоқдаги оқимдан эмас, Ақчадарё дарёсининг асосий ўзанидан ўтказилган. У 1 километр ма соғага чўзилган. Дастребаки сув оладиган жойидан, каналнинг бутун узунлиги бўйлаб ундан тўғри бурчак



1 - расм. Ховуз

остида, асосан бир томонга қараб суғориш тармоқлари жойлаштирилган.

Ўтказилган ҳисоб-китобларга кўра, бу канални қуриш учун 50-65 минг м³ тупроқни қазиб чиқариб ташлаш керак эди, бундай иш ҳажмини бажариш учун 500 нафар ер қазувчи 35-40 кун ер қазиш ишларини бажаришлари керак бўлар эди (ўртача бир кунда 3 м³ миқдорда тупрок қазиб чиқарилган).


Хоразмнинг ўнг қирғоқ ер майдонларида, Одамликкалья ва Ёнбошқалъа қальалари оралигидаги ер худудларида 15 километрлик узунлиқда бошқа йирик суғориш канали қурилган. Бу ерда барча суғориш тармоқлари эгаллаган ер майдони 2000 гектарни ташкил этган.

Алоҳида ҳисоб – китобларга кўра, умумий қазиб олинган тупроқ миқдори қарийб 400 минг м³ ни ташкил этди. Бу ишларни бажаришда 500 кишидан кам бўл-

маган ер қазувчилар 30 кун мобайнida ер қазиш ишларини бажаришлари керак бўлган. Канални лойқадан тозалаш учун ҳар йили 2000 дан кам бўлмаган одам бу ишни бажаришга жалб этилган.

Бу борада кўплаб асарлар ёзилган (Я.Ф.Гуломов «Хоразмнинг қадим замондан бизни давримизгача суғориш тарихи», Тошкент: ЎзССР ФА Нашриёти, 1957 й., Б.В.Андианов «Оролбўйи минтақасининг қадимий суғориш тизимлари», Москва: 1969 й. ва бошқалар)

Жанубий Ўзбекистондаги қадимий суғориш тизими қолдиқлари (Занг канали ва бошқалар), Тошкентдаги



2 - расм. Кориз

(Зах канали) ва Самарқанд воҳасидаги (Дарғом канали) ва асосан Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари бўйларида пасттекисликларда жойлашган қадимдан суғориладиган ерлар шундан дарак берадики, қадимги ирригация тармоқларининг юқори ривожланиш даври эрамиздан олдинги I-IV асрларга тўғри келади.

Марказий Осиёдаги катта майдонларни бугунги кунда фаолият кўрсатиб турган сүғорадиган йирик марказий каналлар, масалан, Тошкент воҳасида Бўйсув ва Салор, Самарқанд воҳасида Эски Ангор ва Тутортар, Бухоро вилоятида Шохруд ва Ромитонруд, Хоразмда Қирқиз, Чорман-Ёб ва кўплаб бошқа каналлар, бизни асримизнинг бошланишида узоқ вақт қаровсиз ташлаб қўйилган даврдан кейин, қайта қурилган, ёки қайтадан қурилиб тикланган.

Антик даврдаги йирик Ўрта Осиё дарёлари ҳавзаларида ирригация қурилмаларининг ва суғориладиган



3 - расм. Кориз қудуғи



4 - расм. Коризнинг боши



5 - расм. Кориздан сув чиқиши жойи

дехқончиликнинг мувафақиятли ривожланиши шарофати билан жуда катта майдонлардаги ерларга сув чиқарилган ва кўплаб янги ерлар ўзлаштирилган ва бу ерларда кўплаб антик давр шаҳарлари пайдо бўлган, очиқ турдаги аҳоли яшаш жойлари мустаҳкамланган.

Ўзбекистонда ирригацияни ривожланишининг учинчи босқичи ўрга асрларнинг дастлабки ва ривожланган даврига тўғри келади.

Бу даврда Самарқанддаги Суғдда мураккаб ва кўп тармоқларга бўлинган ирригация тизимлари фаолият кўрсатган. Самарқанддан Ўрта асрларда жанубга қараб ерларни сугорадиган учта йирик ирригация каналлари Варагсар худудларига чиқарилди («Тўғоннинг боши», янги даврда – Равот ва Хўжа масивлари).

Араб истилочилари забт этганлари билан боғлиқ ёзувларга кўра ўша даврда В.В.Бертолъд бунга эътибор қаратдики, бу тизим араб истилосигача бўлган даврда ҳам, яъни эрамиздан олдинги VI-VII асрларда ҳам мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатган.

Ўша вақтда Самарқанд шаҳрига сув етказиб берадиган канал фаолият кўрсатган.

Ўрта асрларда Зарафшондан пастда, Бухоро воҳасининг худудида жойлашган каналлардан бири Шопирком (кейинроқ - Шофириком) деб номланган.


Бу канал Бухоро воҳасининг энг шимолий қисми – Вардон эгалигидаги ҳукмдорлари бухор-худатлари (Бухоро ҳукумдорлари) худудлари ерларини сугорган. Бундан ташқари бир неча бошқа йирик каналлар фаолият кўрсатган.

Ўрта Осиёning буюк алломаси Мусо аль-Хоразмий (783-850) ўзининг асарларida қадимги дехқончилик маданияти ҳақида ёзган эдики, бу ерларда ирригация тизимларига талаб катта бўлганилиги сабабли қадимдан янгидан-янги курилмалар ва усулларни жорий этиш борасида тинимсиз изланишлар олиб борилган.

IX-X асрларда дехқончиликни ривожланишига жуда катта аҳамият берилган. Ҳаттоқи “Сувдан фойдаланиш тўғрисида қонун” («Ариқлар ҳақида қонун») қабул қилинган эди. Бухоро воҳасида Шопуркон, Шоҳруд, Кармана, Пайқонд каналлари, курилган, Самарқанд воҳасида Борш, Бузмадисон, Иштихон каналлари қазилган эди.

Хоразмда, Шош ва Фарғона водийсида кўплаб каналлар мавжуд эди. Араб сайёхи ибн Хаукалнинг маълумотига кўра, Бухоро атрофларида бир неча қишлоқлар жойлашган кўплаб боғлар мевали дарахтзорлар мавжуд бўлган.


Ўша вақтда Бухорода 17 та ирригация сугориш ти-



6 – расм. Чигир

зимлари мавжуд бўлган. Каналлардаги сув оқими миқдори давлат томонидан тайинланган масъул мироблар томонидан назорат қилиб турилган.

Фақат биргина Мурғоб водийсида каналлардаги сув оқимини тақсимлаш бўйича 10 мингта масъул вазифадор раҳбар ходимлар ишлаганлар.



7 - расм. Сардоба

X-XII асрларда Марказий Осиёning доимий оқиб турадиган сув манбалари мавжуд бўлмаган тоғ олди курғоқчилик худудлари, ўша даврларда энг йирик ҳисобланган. Баҳорги септарчилик сувларини ушлаб қолиб тўплашга мўлжалланган тоғ сув омборлари катта аҳамиятга эга бўлганлар. Улардан бири, Нурота тоғларининг этагидан шимолроқда 12-15 км масофада, X асрда қурилган Пастоғ тоғ тизмалари билан ўралган Хонбанди водийсидаги сув омбори топилган.

Атрофи тоғ тизмалари билан ўралган кичик водийнинг энг тор чуқурлик жойини тўсизб турган тўғон маҳаллий гранит тошлардан ораларига оҳак билан кварц кумлари коришмаси қўшиб қалаб чиқилган. Унинг тепа қисмини узунлиги 51,75 м, пастки қисми - 24,45 м, баландлиги – 15,25 м, тепа қисми -2,30 м, таг қисми асоси 8,20 м бўлган.

Тўғон хавзасидаги сув чуқурлигининг ҳар хил баландлопларига мўлжалланган тўққизта сув чиқарадиган тешиклар билан таъминланган. Бу сув чиқарадиган тешиклар тепадан ёйсимон арка шаклга эга бўлиб, уларнинг ўртача кенглиги 45-70 см, баландлиги 50-100 см бўлган. Тўғон олдида узунлиги 1,5 км бўлган сув омбори пайдо бўлган, тўғоннинг кенглиги 52 м ва сув омборининг бошида 200 м, сифими 1,5 млн.м³ ни ташкил қилган.

Бу Қизилқум атрофии билан чегараланган ер май-


дени 1500 гектарни ташкил этадиган Калтепа чўлини сугоришига имкон берган. Бу ерда мустаҳкам ўрнатилган равот қурилган. Унинг Калтепа деб номланган вайронлари, Хонобод тўғонидан шимолий гарб йўналишда 4 км масофада жойлашган.

Хонбанди тўғони жуда мустаҳкам иншоот бўлган. Унинг нишаблик даражаси 0,25 (1:4). Бу тасодифан қилинган эмас. Сувнинг кўтарилиш босими даражаси 1 пог.м да 28 т.н бўлган. Тўғоннинг узунлиги 51,75 м бўлганда сувнинг кўтарилиш босими 1447 т.н га етган. Шуни айтиш керакки, Хонбанди тўғони тузилиши бўйича ҳозирги замонавий қурилиш материалларидан терилган юқори босимни кўтарадиган тўғон деворларидан фарқ қилмайди.

Ўрта асрларда қурилган худи шундай сув иншооти Самарқанд вилоятининг Нурота туманидан шарққа қараб 65 км масофада Оқчоп қишлоғи яқинида жойлашган. Абдуллохонбанди номи билан машхур бу тўғон, спанец плиталаридан оҳак ва кул қоришмаси билан кўшиб териш йўли билан қурилган. Тела қисмини узунлиги-85 м, таг асоси-73 м, кенглиги таг асосида 15,3 м, юқори қисми- 4,5 м, сақланиб қолган баландроқ қисми - 9,5-14,5 метрни ташкил этади. Сув тақсимлаш дарвозаси бошқаруви ўрта асрларда Шарқда ирригация қурилмаларида кенг қўлланилган бир-бирига усма-уст узунасига қўйилган суриласидиган қисмлардан ташкил топган тузилмага эга бўлган. Тўғон деворининг ўрта қисмida икки қаватли сув чиқарадиган жой қолдирилган. Биринчи қават тўғонга кўндаланг бўлиб асосидан 1 м баландлиқда ўтган кўндаланг қувур кўринишида бўлиб – тўғонни тешиб ўтган арка кўринишига эга бўлган ораси 19 м узунлиқда, кенглиги 50-60 см ва баландлиги 1 м, узунасига горизонтал жойлашган қувур 5 м ташки қозасидан кейин айланаси 2 м ва чукурлиги 14 м бўлган кўндаланг жойлашган қудук билан бирлашган. Сув чиқадиган тешикларнинг тўғондан чиқиш жойларида иккала девори бўйлаб ҳам юқорига қараб кўндаланг жойлашган 20x20x100 см ли бошқариш мосламалари бўлиб улар сувни бекитишга хизмат қиладиган тўсинлар қилинган.

Барча маълумотлар шуни кўрсатадики, Абдуллохонбанди сув омбори шахта кўринишидаги сув чиқариш жойлари, айланниб ҳаракатга келадиган, фавқулотда вазиятларда зудлик билан сув чиқариб юбориш мосламаларига эга бўлган ҳақиқий мухандислик иншооти бўлган.

Шундай қилиб, фанларнинг ривожланиши, энг аввало математика ва геометриянинг бир томонлами, меъморчилик ва қурилиш усуслари, ҳамда ирригация қурилмалари тўғрисидаги билимларнинг ривожланиши



8 – расм. Абдуллохонбанди тўғони

- бошқа томондан ўрта асрларда, мухандислик кўринишидаги тош ва гишт каби маҳаллий ашёлардан сувга чидамли қоришмалар билан териш орқали мукаммал сув иншоотларини қуриш имконини берган.

Аммо ирригациянинг ривожланиши бу даврда бир неча маротабалаб феодал урушлар сабабли тўхтаб қолган. Айниқса Чингизхоннинг юриши ҳалокатли рол ўйнаб Ўрта Осиёнинг кўплаб гуллаб яшнаган воҳаларини қақраган сувсиз саҳроларга айлантирган.

Хулоса. Ўзбекистоннинг тарихий ривожланиши сугориладиган дехқончилик билан узвий боғлиқ бўлган. Бизнинг аждодларимиз, минглаб йиллар давомида тўпланган тажрибаларга асосланиб қурилиши нафақат инсоният имкониятларини жалб қилишни ва бошқариш усулларини, балки катта миқдордаги илмий билимларни - геология ҳақидаги тушунчаларни, геодезияни, маҳсус мухандислик билимларини талаб қиласидиган ривожланган ирригация тармокларини яратганлар. Фақатгина мавжуд барча шарт-шароитларни бирлаштиришига Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш ва ирригациянинг қадимий анъаналарга мос ривожланиши таъминлаган.

Адабиётлар:

1. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. – СПБ, 1914 г.
2. Кодиров А. Ўзбекистон ирригация тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Меҳнат. 2001. -117 б
3. Непомним В.Я. К истории ирригации Узбекистане. –Ташкент: 1940 г.
4. Мухаммаджонов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари. –Тошкент: 1997 й. -96 б.